

Қ А Р О Р

2025 йил 9 апрель куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи тергов судьяси Л.Жумабоев, судья ёрдамчиси У.Бахроновнинг котиблигида, адвокат К.Нармирзаевнинг иштирокида, Қўлдашев Фахриддин Фазилович, Кубаева Хафиза Ахматовна, Иргашева Сохибахон Хусанбоевна ва Рўзиева Насиба Нуриягдиевнага нисбатан бўлган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш юзасидан:

Қўлдашев Фахриддин Фазилович (Qo'ldashev Faxriddin Fazilovich), 1984 йил 5 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 4 фарзанди бор, Яқка тартибдаги тадбиркор, муқаддам бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Қуйлиқ ота МФЙ, Қўйлиқ ота кўчаси, 28-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 2-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Кубаева Хафиза Ахматовна (Kubayeva Xafiza Aхmatovna), 1988 йил 21 июнь куни Тошкент шаҳрида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 4 фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Қуйлиқ ота МФЙ, Қўйлиқ ота кўчаси, 28-уйда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Иргашева Сохибахон Хусанбоевна (Irgasheva Soxibaxon Xusanboyevna), 1984 йил 28 ноябрь куни Фарғона вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 1 фарзанди бор, Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактаб директори лавозимида ишлайди, муқаддам бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, Турсунзода кўчаси, 1-уй, 1,2-хонадонда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.



Рўзиева Насиба Нурягдиевна (Roziyeva Nasiba Nuryagdiyevna), 1987 йил 2 апрель куни Бухоро вилоятида туғилган, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали, 2 фарзанди бор, Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактабда ўқитувчи, мукаддам бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилмаган, Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Файзобод МФЙ, Янги Қуйлиқ кўчаси, 6-уй, 63-хонадонда яшайди.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган.

Суд, иш бўйича ҳуқуқбузарлар ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, маъмурий ҳуқуқбузарлик иш ҳужжатларини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Қўлдашев Фахриддин Фазилович, мукаддам бир йил давомида ИИО ходимининг қонуний талабини бажармаганлиги учун маъмурий жазо қўлланилган бўлсада, бундан ўзига ижобий хулоса чиқармасдан, 2025 йил 7 апрель куни соат 15:00да жамоат жойи ҳисобланган Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактаб биносининг директор хонасида жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, дарс жараёнлари кетаётган бўлсада, бақир чақир қилиб, мактаб директори С.Иргашевани ҳақоратлаб, майда безорилик содир қилган ҳамда ИИО ходимининг ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатини тўхтатиш тўғрисидаги қонуний талабларини бажармаган.

Кубаева Хафиза Ахматовна, 2025 йил 7 апрель куни соат 15:00да жамоат жойи ҳисобланган Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактаб биносининг директор хонасида жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, дарс жараёнлари кетаётган бўлсада, бақир чақир қилиб, мактаб директори С.Иргашевани ҳақоратлаб, майда безорилик содир қилган.

Иргашева Сохибахон Хусанбоевна, 2025 йил 7 апрель куни соат 15:00да Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактаб биносида жойлашган хизмат хонасида, Ф.Қўлдашевнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатига жавобан, уни ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр қимматини қасддан камситган.

Рўзиева Насиба Нурягдиевна, Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактабда ўқитувчи вазифасида ишлаб келиб, 2025 йил 7 апрель куни ўзи фаолият юритиб келаётган мактабнинг собиқ ўқувчиси Ф.Кубаевнинг ўртоғига Ф.Кубаевнинг ҳулқи ҳақида гапириб, у ва унинг оиласи ҳақида ҳақоратли сўзларни айтиб, Ф.Қўлдашев ва унинг оила аъзоларини шаъни за қадр қимматини қасддан камситган.



Суд мажлисида сўралган ҳуқуқбузар Қўлдашев Фахриддин Фазилович ўз кўрсатувида, 2025 йил 7 апрель куни вояга етмаган ўғли Ф.Кубаев уйига келиб, 213-мактаб директори уни ўртоқларига “бу боладан узоқроқ юринглар, бу бола психатроп модда сотиб юрибди” деб айтганлиги ҳақида гапириб берганлиги, шунда турмуш ўртоғи билан ушбу масалада гаплашиб олиш учун 213-сонли мактабга боришганлиги, ҳақиқатдан ҳам мактаб директори С.Иргашева билан жанжаллашиб кетишганлиги, бундан ташқари, ўғли Ф.Кубаевнинг собиқ синф раҳбари Н.Рўзиева ўғли Ф.Кубаевнинг ўртоғига унинг оиласи ҳақида ҳақоратли сўзлар айтганлиги, С.Иргашева ва Н.Рўзиевага нисбатан даъвоси борлиги ҳақида баён қилди.

Суд мажлисида сўралган ҳуқуқбузар Кубаева Хафиза Ахматовна ўз кўрсатувида, турмуш ўртоғи Ф.Қўлдашев баён қилган ҳолатда жанжал содир бўлганлиги, ҳақиқатда ўзи ҳам жанжалга аралашганлиги, С.Иргашева ва Н.Рўзиевага нисбатан даъвоси борлиги ҳақида баён қилди.

Суд мажлисида сўралган ҳуқуқбузар Иргашева Сохибахон Хусанбоевна ўз кўрсатувида, Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактаб директори лавозимида ишлашлиги, Ф.Қўлдашевнинг фарзанди Ф.Кубаев ушбу мактабда илгари ўқиб, кейинчалик ўқишини бошқа мактабга кўчирганлиги, 2025 йил 7 апрель куни мактаб ҳудудида “Абдулазиз” исмли ўқувчисини кўриб, унга сочларини олдиришини, ёмон болаларга қўшилмасликни, дорига араллашиб қолмасликни айтиб танбех берганлиги, шундан сўнг ўша куни хизмат хонасига Ф.Кубаевнинг ота-онаси Ф.Қўлдашев ва Х.Кубаева келишганлиги ҳамда Ф.Кубаев бақир чақир қилиб у билан жанжал қилиб кетганлиги, ушбу жанжалга Х.Кубаева ҳам аралашганлиги, шунда ИИО ходими Ф.Қўлдашевга жанжални тўхтатишини айтиб, жанжални ажратмоқчи бўлганида, Ф.Қўлдашев ИИО ходимининг қонуний талабига бўйсинмаганлиги, ҳақиқатда ушбу жанжалда Ф.Қўлдашевнинг хатти-ҳаракатлари сабабли ўзи ҳам жаҳл устида уни ҳақорат қилганлиги, Ф.Қўлдашев ва Х.Кубаевага нисбатан даъвоси борлиги ҳақида баён қилди.

Суд мажлисида сўралган ҳуқуқбузар Рўзиева Насиба Нуриядиевна ўз кўрсатувида, Миробод тумани ХТБга қарашли 213-сонли мактабда ўқитувчи вазифасида ишлаб келишлиги, илгари Ф.Қўлдашевнинг фарзанди Ф.Кубаев ушбу мактабда ўқиганлиги, 2025 йил 7 апрель куни мактаб директорининг хизмат хонасида Ф.Кубаевнинг ота-онаси Ф.Қўлдашев ва Х.Кубаевалар жанжал қилишаётганини кўрганлиги, шундан сўнг ўша куни “Абдулазиз” исмли ўқувчисига қўнғироқ қилиб, нима сабабдан Ф.Кубаевга “тап етказганини” айтганлиги, ҳақиқатдан ҳам ушбу суҳбат давомида Ф.Кубаевнинг оиласи тўғрисида ҳақоратли сўз ишлатганлиги, ҳуқуқбузарлигидан пушаймонлиги ҳақида баён қилиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд, Ф.Қўлдашевнинг ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби, унинг кўрсатувидан ташқари, ҳуқуқбузарлик ҳолати акс этган видео тасвир туширилган DVD диск, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги



баённомалар, тушунтириш хатлари ва ишдаги бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, Х.Кубаеванинг ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби, унинг кўрсатуvidан ташқари, ҳуқуқбузарлик ҳолати акс этган видео тасвир туширилган DVD диск, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари ва ишдаги бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, С.Иргашеванинг судда аниқланган ҳуқуқбузарликни содир этганликдаги айби унинг кўрсатуvidан ташқари, ҳуқуқбузарлик ҳолати акс этган видео тасвир туширилган DVD диск, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари ва ишдаги бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, Н.Рўзиеванинг ҳуқуқбузарлик содир этганликдаги айби унинг кўрсатуvidан ташқари, “Абдулазиз” исмли ўқувчи билан суҳбатлари тушурилган DVD диск, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома, тушунтириш хатлари ва ишдаги бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, Ф.Қўлдашевнинг тушунтиришини тинглаб, унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд, Х.Кубаеванинг тушунтиришини тинглаб, унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд, суриштирув органи томонидан С.Иргашеванинг ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракати Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, судда тарафлар иштирокида низоли ҳолат қайд этилган видео тасвир кўздан кечирилганида, С.Иргашева Ф.Қўлдашевнинг ҳуқуққа хилоф ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари натижасида уни ҳақорат қилиб, шаъни ва қадр қимматини камситган.

Бу ҳолатда, С.Иргашеванинг қасди майда безориликда ифодаланган ҳуқуқбузарликни содир этишга қаратилмаган.

Суд, юқоридагиларга асосан С.Иргашеванинг ҳуқуқбузарлик хатти-ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасидан, шу Кодекснинг 41-моддасига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Суд, Н.Рўзиеванинг тушунтиришини тинглаб, унинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Суд, Ф.Қўлдашевга жазо тайинлашда, унинг муқаддам бир йил давомида такроран ҳуқуқбузарлик содир этганлигини, у томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва С.Иргашеванинг даъвоси ёрлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди



Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда, МЖТКнинг 34-моддаси тартибида узил-кесил маъмурий қамоқ жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Суд, Х.Кубаевага жазо тайинлашда, унинг аёл киши эканлигини, у томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини ва С.Иргашеванинг даъвоси борлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда унга нисбатан айбли деб топиладиган модда санкцияси доирасида жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, С.Иргашевага жазо тайинлашда, унинг муқаддам бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини, Ф.Қўлдашевнинг ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлари таъсирида ҳуқуқбузарлик содир этганлигини, айбига иқрорлигини ва аёл киши эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкциясида белгиланган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ миқдорда жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Суд, Н.Рўзиевага жазо тайинлашда, унинг муқаддам бир йил давомида маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини, айбига иқрорлигини ва аёл киши эканлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 30 ноябрдаги “Судлар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўришни тартибга солувчи қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 35-сонли қарори талабларига риоя қилган ҳолда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкциясида белгиланган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ миқдорда жарима жазоси тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикасининг 09.01.2017 йилдаги “Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида” ЎРҚ-420-сонли Қонунининг 24-моддасига асосан айрим ҳолларда муайян ҳолатлар, маъмурий қамоққа олинган шахснинг моддий аҳволи ва шахси ҳисобга олинган ҳолда, у махсус қабулхонада сақлаш билан боғлиқ харажатлар ундирилишидан туман (шаҳар) суди маъмурий ишлар бўйича судьясининг қарорига кўра озод қилиниши мумкин.

Суд, Қонун талабидан келиб чиқиб, Ф.Қўлдашевдан маъмурий қамоққа олинганларни сақлаш муассасаси фойдасига маъмурий қамоқнинг



ҳар бир суткаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 % ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга ва Ўзбекистон Республикасининг МЖТК 33, 309, 310, 311-моддаларига асосан, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1) Қўлдашев Фахриддин Фазилович (Qo'ldashev Faxriddin Fazilovich) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси ва 194-моддаси 2-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни содир этганликда айбли деб топилсин.

Қўлдашев Фахриддин Фазиловичга:

-Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан 10 (ўн) сутка маъмурий қамоқ жазоси;

-Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 194-моддаси 2-қисми билан 10 (ўн) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 34-моддасига асосан узил-кесил 10 (ўн) сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлансин.

Маъмурий қамоқ жазони ўташ муддати 2025 йил 9 апрель куни соат 18:30 дан бошлаб ҳисоблансин.

Ф.Қўлдашевдан маъмурий қамоққа олинганларни сақлаш муассасаси фойдасига маъмурий қамоқнинг ҳар бир суткаси учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 %дан жами 375 000 сўм ундирилсин.

2) Кубаева Хафиза Ахматовна (Kubayeva Xafiza Axmatovna) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин.

Кубаева Хафиза Ахматовнага Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 183-моддаси билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 (уч) баравари миқдорида, 1 125 000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

3) Иргашева Сохибахон Хусанбоевна (Irgasheva Soxibaxon Xusanboyevna) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин.

Иргашева Сохибахон Хусанбоевнага Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баравари миқдорида, 750 000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

4) Рўзиева Насиба Нуриягдиевна (Roziyeva Nasiba Nuryagdiyevna) Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилсин.

Рўзиева Насиба Нуриягдиевнага Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 41-моддаси билан МЖТКнинг 33-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 (икки) баравари миқдорида, 750 000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.



Қарор устидан апелляция шикояти (протести) қарор ўқиб эшиттирилган кундан эътиборан ўн сутка ичида, ўзига нисбатан суд қарори чиқарилган шахс томонидан эса, қарорнинг нусхалари унга топширилган ёки у томонидан ушбу кўчирма нусхалари олинган кундан эътиборан худди шу муддат ичида берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Л.Жумабоев

Нусха аслига тўғри:

Ҳужжат имзоланган: Жумабоев Лутфулла Толлибоевич, 09.04.2025

